



Бугунги ёш китобхонлар Чўлпонни кўпроқ дилбар лирик шеърлар, «Кеча ва кундуэ»дек баркамол роман муаллифи, мохир таржимон сифатида билади. Кекса авлод зиёлиларимиз ха бу кўпкиррали истеъдод сохиби айни пайтда фаол журналист, ношир, жўшқин маколанавис хам бўлганини яхши эслайдилар. Тошкент давлат дорилфунунида ташкил топган 20—30-йиллар узбек адабиёти ривож масалаларини — Кодирий, Чўлпон, Фитрат ижодини тадқиқ этувчи махсус илмий, гурух ходимлари Октябрь инкилоби, совет хокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон да чоғ этилган ойнома ва рўзномалар тахламларини варақлаб, гоят бой, ранг-баранг маданий-маънавий хазинага, жумладан, Чўлпоннинг ўнлаб адабий-танкидий ва публицистик маколаларига дуч келдилар.

Чўлпон маколалари адиб ижодий меросининг салмокли кисмини ташкил этади. У ижоддаги илк кадамларидаёқ публицистикага мурожаат этган. 20-йилларда турли мавзуларда, хилма-хил адабий шаклларда гоят баракали ижод килган. Бу маколалар адиб шахси, ижоди, хаёти хақидаги тасаввуримизни хийла бойитади: бевосита кайнок хаёт кучогида тугилган, турмушнинг ўзида рўй бераётган алгоа-далгов ходисалар изидан бориб ёзилган иншоларда, бир томондан, давр нафаси сурони уфуриб туради. Иккинчи томондан уларда ўта таъсирчан, нозиктаъб лирик шоирнинг калб садолари баралла эшитилади. Мазкур маколаларни ўкиб, Чўлпон шеъриятидаги, насрий асарларидаги ранг-баранг кечинмалар, рухий драмаларнинг, хусусан, дарду изтиробларга тўла фиғону нолишларнинг, кўз ёшларнинг хаётий заминини билиб оламиз.

Энг мухими, уларни мутолаа этган да она диёрда ўша кезлари юз берган хилма-хил ходисаларга шу юртнинг чин фарзанди, асл фуқароси сифатида фаол муносабатда бўлган, халқ тақдири, дарди, кайгуси билан нафас олган бир ётук сиймонинг ёник калбини кўрамиз. Хукмингизга хавола этилаётган Чўлпон маколаларининг айрим мамуналарини ўкиб, аминманки, бунга ўзингиз хам ишонч хосил киласиз.

Эрталаб, азон вақтида жўнамокчи бўлиб ёткон эдим.

Энг кизгин уйкуда вақтимда уйготдилар. «Тур, аравакашлар келиб, караб турибдурлар» дедилар.

Уйкусирамадим, ирғиб ўрнимдан турдим. Наридан-бери, чала-чулпа бет-кўзни ювуб, апил-тапил кийимларимни кийдим-да, ташкарига чикдим. ,

Коронгги, хийла коронгги эди. Кокилиб-тикилиб пиллапоядан тушдим. Оркамдан чирог кўтариб онам келди, кўчага чикдик.

Тўрт арава — ўзимизнинг девсифат аравалар кўчанинг ўртасига тўхтагонлар эди. Шу

огир, шу бўшанг, шу лавашок аравалар билан олти тош (48 чакирим) йўл босмок! Ўх-хў!
Янги рух ва эски тил билан «таваккал»ни айтиб аравага иргидим.

Чикир-чукур... арава кўзголди...

Арава кўзголиб, унинг доираси бемалол уч кулоч келатургон хайбатлик гилдираклари
5—10 матта айлангунча, онам бечоранинг хира чирोगи бизни узатмокда давом этар эди.
Мундай коронги бир кечада, ёлгиз ўзум, тонимогон кишилар билан кимсасиз вайрон
йўлга чикканим учун кўркишдан ҳам холи эмасман, лекин хира чирогнинг куч-сиз
ёруглари билан бир мунча жойгача кузатиб колгон онам, оналарга махсус шафкати,
мухаббати билан кандай кўркувларга йўлуккандур.

Меним ўзим учун унча киммат бўлмагон борлигим унинг учун хамма нарсадан киммат
эмасми?

Шахарнинг чекка жойларига якинлашамиз. Неча йиллик ички урушлар билан чар-чагон
жойнинг даштлардек ёввойилашиб кетган кўчаларида, мушук кўзи кадар бир ёруглик
билан ёниб тургон электик фонорлари... оркамиёда колиб борадур. Бир-икки бурулиш
билан нафси шахарнинг ўзидан чикдик.

«Пахтакум»нинг 1-зовудининг кет томонидан ўтуб борамиз. Энг ёруқ электик
чирогдерининг ўткур ёруглари орасидан гувиллаган товуш келадур. Бу зовуд
ларрала-рининг айланишидан чиккан товуш. Чирок зиёлари орасидан корайиб кўрунган
кўк, онамиз ернинг кора багрига ўхшайдур. Кора багирлик ернй ўйлагондан кейин хаёл
кўзлари олдидан кенг бир пахта таласи очиладур, кенг пахта таласида, махшарда
тўп-ланган саллалик мусулмонлардек, ок бошлари билан бир махшар холини олгон пахта
дарахтлари — гўза поялари, хакикатан одам болалари учун хакикий махшар
манзара-сини келтирар! Пахта махшари билан пахта зовудининг гувиллаган товуши... ўт
билан сув, ўлим билан хаёт оханглари каби бир оханг (гармония) вужудга келтирадур...
Ўша ўртада яна 1 —2 та зовуд бор эди, харобага айланган бир неча тери зовуди бор эди,
биттасигина сог колгон. Арава йўли ниҳоятда огир, отлар кўб ёмон кийналадурлар,
уларни кўзготиб олиб бориш учун товуш бориша кийкиргон, уруниб-сурунгон
арава-кашларнинг холи хам ундан енгил эмас. Аравалар бир неча ерда лойга ботди,
кўпа-йишиб, кийкиришиб юриб чикардилар. Шу холда, минг нола билан Анжон адирига
етдик.

Хали, тонгдан дарак йўк. Коронггилик яна боёги ранги билан куюклашиб, каймокла-шиб
турубдур. Коронггилик, назарларимда баъзан коттиг куюклашкондек бўлуб кетар-да,
кўзимни бир очиб — бир юмуб: «Ёлгон тонг (субхи каззоб)ми, бу?» дейман.

Адирдан тушуб, Хартум кишлогига кириб борамиз, Чекарак жойлардаги иморатлар,
ховлилар бузулгон, бўш, вайрон кўрундилар. Илгари жуда обод бўлгон гузардан коровул
тактасининг маъюс-маъюс товуши эшитилди. Ёмон, лой йўллар билан Зоврок кишлогига
ўтдик, ундан Чек кишлогига етиб, катта адирга чирмаша бошладик.

Кишлоқларда кимирлагон жон йўк, хамма уйкуда, хамма хонада жон бор, одам бордек
кўрунадур. Лекин, хона жойларнинг бўш бўлгонлари, эгасиз, кимсасиз колгон-лари хам
кўб, дедилар. Томларга босилгон беда, макка ва гўза поялари ёнларидан ўтганда
аллакандай хаёлий шакл кўрсаталар. Гох дев бошидек, гох олбости тўдасидек, гох
ухлагонларни масхара килиб кулган хаёли бедордек, гох дарахт шохида ухлаб ёткон бир
тўп коргадек кўрунадур. Холбуки, кишлокнинг бутун умиди, тасаллиси, бори-йўги шу бир
гарам поя!

Адирнинг текис тош йўлида отларни камчиладилар, гур-гур арава чопиш бошланди.
Илгари вақтда босмачиларнинг бозорчи тўсатургон бир ерларига — Тура булогига

келдик. Кўнглим тўлкунланди, колгон-кутгон босмачилар бор бўлса... рўбаримиздан чиксалар... Мен бу хаёллар билан бош айлантиргунча аравакашлар булоқдан ҳам ўтиб кетдилар, катор-катор чизилгон аравалардан хар хил кўшиқлар эшитиладур. Гулёр, узма гул, махзумхон, омон ёр... хаммаси, хаммаси!

Шахардан чиккандан бери 15 чакирим йўл юрдик, тонг откони йўк, факат тонг еридан кичкинакина бўшанг ва хира бир кизиллик кўрунди, 20 чакирим йўл босиб, Ўш билан Андижоннинг кок ўртасидаги Хўжаобод кишлогига якинлашконимизда аста-секин тонг отди. Йўлда бир кишлокни кўрдик. Ярмидан купи куйуб кетибдур. Сабабини аравакашлардан сўрадим: « — Босмачилар билан урушкони чиккан арманилар 3—4 йил бўлди талаб, ўт кўйуб юбордилар» деди...

Арманиларнинг «миллий дашнок» фиркалари, шўро ҳукумати ёш вақтида кизил байрок остига кириб олиб уларнинг килгон вахшатлари, 18— 19-йилларда Фарғонадаги «армон диктатураси» кўз олдидан битта-битта чизилиб ўтди.

— Кўпрукка келиб колдик! — дедилар. Хаёлдан айнаидим. Шахрихон сойининг кўпругига етган эдик.

Бир вақтлар кўп пул сарф килиниб бино этилган бу темир кўпрук жуда ёмон бузи-либдур. икки чеккадаги панжара темирлари буткул колмагон, ернинг баъзи жойлари от сигарлик даражада тешилган, бу тешиқларга хода юмалатиб кўйгонлар. Хўжаобод ҳукуматдорлари ёгоч тошишиб кўйгонлар, кўпрукни тузатмакчи бўлгон бўлсалар керак. Лекин, кунлар, ойлар ўтмоқда, хали ишдан дарак йўк. Холбуки, бу йўл катта, ва обод бир йўл бўлиб, кеча-кундуэ арава катнаб туродур. Кўпрукни тезрок тузатиш чорасини кўрмак керак эди...

Кимнинг вазифаси бу?

Нонушта махали Хўжаобод кишлогига кириб, бир чойхонага тушдик. Аравакашлар отларни ўтга кўйдилар. Мен газетага ёзмोक учун.-хабарлар истадим, халкнинг кам-кўстини суруштирдим.

Хўжаободнинг Шахрихон сойи томонида Ўш сойи деган бир кичкина сой бор экан. Бу сой Ўш томондан келиб Шахрихон сойига куюлар экан. Ўтган йил шу Ўш сойи тентакланиб кётиб, 500 таноп қадар экинлик, ховли ва бог ерларини окизиб кетган. Хозир ҳам шу ернинг ёнидан яна окизмоқда давом этар экан.

У тўғридан Хўжаобод халки хар йўл билан ҳукуматга арз килгон; Андижонда ўтган йил чикиб тўхтагон «Дархон» газетасида ҳам у тўғрида ёзилгон; ўтган йил Туркистон марказ ижрокўми ва Фарғона музофот ҳукумат бошлиқлари ўзлари келиб кўриб кетганлар. Лекин, шу чоккача ҳеч бир чора кўрилмаган. Шу нуктага Фарғона Музофот ижрокўмининг диккатини кайтадан жалб киламан.

Саёхатимизни Хўжаобод кишлогига келиб тушган жойимизда тўхтаткон эдик. Ундан нарисини ёзмोक учун эс-хушни тўплаб ўтириб, кўлга калам олгунча анча вақт ўтуб кетди. Бу орада «Туркистон» газетасининг ёзишкучиларидан Гози Юнус ва Элбек ўртоқлар билан бирга ўшал йўллардан яна бир мартаба ўтишга тўғри келди. Эсдалиқлар яна янгиланди, кўрган — билганлар яна орта тушди. Саёхатнинг давомини, энди, «икки мартаба бўлгон саёхатнинг давоми» килиб ёзотургон бўлдим.

Хўжаобод: кўринишга кичкина кйшлок бўлгони билан, гап-сўз кўп экан. Айникса газетачига гап-сўз топила берадур. Ўшдан 20 чакирим йирокликда Корасув истансаси

солиниб, тўғри катнов йўл тушгандан бери Хўжаободнинг илгариги мавкеи сусайиб колибдур. Бўлмаса, Хўжаобод — арава, от, пиёда, фойтун, пўчта ва ўт арава карвонлари учун (хожилар таъбирича) бир «Харков» каби эди. Помир ва Кашкарга ёлишкон, Ўзгант ва Гулша каби кенг жойларни ўз доирасига олгон Ўш уезининг марказ томон билан бўлатургон кайнок алокасида Хўжаобод муҳим бир истанса эди.

Хозир, бўлус ижрокўми бор экан. Битта мактаб ҳам бор дедилар. Лекин унинг ўзидан кўпрок «оти» бор шекилли... Кўклардан тортиб то кузгача мактаб таътил экан, дехконлар болаларини факат кишдагина ўкита олар экан.

Мактаб мундай бўлгони билан бошка галати нарсалар кўп: ўтган сафар ёзилгон кўпрук хали ҳам тузалмаган, биз сўнгги боришимизда фойтунни ҳам еталаб ўтдик. Ўшга боргонимизда дедиларким, кўпрукни халк хисобидан тузатдирмакка Ўш ижрокўми қарор берди. «Хукумат маблагига бўлмас эканми?» деган эдик, «Баладия идорасининг пули йўқдур», дедилар. Баладия идораларидан сўз очилгондан кейин гапиргандан кўра гапирмаган яхшироқ дедик-да, жим бўлдик...

Сой окизиб бораёткон ерлар яна ҳам ўша кўйи туродурлар. Бироз вақтдан кейин Хўжаободнинг ярмини олиб кетса ҳам мумкин. Сув идораларидан 3 мухандис 1 та — 1 т1=гбориб, 3 мартаба режа тортиб келган эмиш... Мухандислар ишбилармонлар (спец) каторига кирганлари учун, ойлик ва кундалик (суточный) кўпгина берилатургондур.

Мундай бўлгондан кейин 3 эмас, 30 мартаба режа тортсалар нима зарар?

Пахтакумнинг 1 пункти бор экан. У ерда ишлагувчиларнинг хаммасидан ҳам халк тескарисига рози кўрунди. Бир Зубов деган хазиначи бор экан, унинг энг ширин гапи кўча сўкишларининг ўртачароги экан... Бир дехконга 2 десатина пахта учун 100 сўм пул ва 20 пут бугдой бериб, бугдойнинг пулини халиги 100 сўм дан олиб колса керак экан. Хазиначи эсидан чиқарибдурда, олмабдур. Дехкон ташкарига чиқиб, пулни санаб, бугдойни олгоч, «бугдойнинг пулини олиб колмабсиз» деб; хазиначининг олдига кирган экан, «сен ўғри, муттахам» деб арава-арава хакоратлардан кейин 3 сўм жарима тўлатибдур.

Бу кишини, юртнинг аризаси устидан Ўш хукумати (уез маркази) чакиргон экан, «иш вақти, бора олмайман» деб, бормабдур. «Пахта маърақаси»га зарар келмасин деб, Ўш хукумати ҳам ўзича бир нарса килмасдан, музофот махкамаларига хавола килубдур. Хўжаобод дехконлари шу аризаларнинг жавобини кутадурлар.

Дехконлар бу йил ер экишга ястойдил киришганлар. Хар ким тиришиб-тирмашиб бир от-улов топишга урунгон, топа олмагонлари чопик билан бўлса ҳам экин экишга киришган. Халк — юртнинг тинчланганига, эркин-эркин дехкончилик килишга мумкин бўлиб колгонига хурсанд. Хукуматнинг оз-кўп, кўлидан келган қадар ёрдамидан ҳам жуда мамнун кўрундилар.

Хўжаободдан 3 чакирим нарида бурунги замонда пўчта аравалари билан дили-жонларга бекатлик вазифасини ўтайхургон бир бино бор эди. Ул бино Ўш билан Андижоннинг қок ўртасига, хар икки тарафини 24 чакиримдан солингон эди. Хозир иморатлари курук девордан иборат бўлиб колибдур. Сахнига пахта экибдурлар...

Ундан 2—3 чакирим нарида неча минг десатина келатургон 1 бог бор. Ул бог мундан 10—12 йиллар бурун Фаргонанинг машхур қорунларидан яхудий Симхоевлар томонидан килингон эди. Богнинг ерларини дехконлардан (харчанд нообод ерлар бўлса нам) арзон-арзон олиб беришга ўзимизнинг ахмок тўраларимиздан бири 1 қўб катта хизмат килгон эди. Хатто бу тўранинг харакати билан сув келмас ерларга сув келди, яъни

юкоридаги кишлокларда ўлтургон дехконлар ўз сувларидан кесиб «тўрамнинг богига» берди. Дехконларнинг кўплари тўранинг муриди бўлгони учун, тўра ул ишни жуда осон бажарди. «Ок килдим», «Кора килдим!» дейди, бўлди, бас.

Кейинча Симхоев тўранинг ўзини ҳам богдан хайдади, киргизмайтургон бўлди Шунчаликки, ахмок тўра ўзининг камбагал дехконларини бир бойнинг манфаатига курбон килди. Хозир жанжалларнинг бир асоси мана шундай жойларда бўлар экан. Кўпи мевали дарахтдан иборат бўлгон ул кенг богнинг жуда кўб, хадсиз-хисобсиз терак кўчатлари бор экан. Галати, оврўповорий иморатлар, гулшанлар ясалгон, неча юзлаб кўй, неча ўнлаб мол-сийирлар, яхши хўкузлар, неча жуфт отлар тургонлар дехкончилик асбобларининг ҳам хар хили бўлгон.

Бу — албатта илгари вақтда. Мана бу ички урушлар вақтида богча тамом ишдан чикиб, бир чакалакзор бўлиб колгон, иморатларни истехком ясаб олуб, босмачилар билан аскарларимиз, аскарларимиз билан босмачилар отишконлар. Хисобсиз милтик тешиклари якин замондаги дахшатлик дамларини эсга солуб, масхара килиб кулуб турадурлар... Илгари туб жой халкидан бир неча киши богни ҳукуматдан ижарага олгон эканлар. Кейинги вақтда ҳукумат ул ижарачилардан кайтариб олиб, «кишлок союзи» деган ташкилотга берган. Бу ташкилот зироат мухандислари юборгон хўжаободликлардан мардикор ёллаб ишлатиб туродир. Биз ўтуб кетаётконда бир неча киши замбар тўкуб турар эди. Бузулгон, йикилгон уйлар тузатилмакка бошлагон, богчага ҳам чинакам бел боглаб ишлаган кўрундилар.

Андижондан Хўжаободгача (адирларни кўшмасак) киш фасларида йўл ёмон бўладир. Хўжаобод билан Ўш орасида киш фаслида ҳам йўл яхши, текис, курук бўладур Кейинги сафаримизда кўкламнинг кўм-кук кўйнида гуллар орасида кетдик. Йўл жуда чиройлик бўлгон эди, дарахтларни сикиб бўгуб олгон туфайли (паразит) чирмовуқлар куюлиб туша бошлагонлар. Экинсиз, ўт босиб ётгон ерларга кўш чиккан, хайдалгон, чопилгон. Орикларни тузатганлар. Сувлар шириллаб окиб бородур.

Ўшнинг ёкинидаги тоғлар, хайбатлик бўлиб кўруна бошладилар. Ўш ва Андижон уезларига кўклам фаслида равоч (шукри) етиштириб бератургон «Шукри тоғи», кўм кўк кўкариб, ўнг биқинимизда туродур. «Сурат тоғ»нинг орасидаги узун ўрмондек чиройлик йўлдан ўтиб борамиз. Ўша жойда ёгоч кумир куйдиратургон кўралар бор. Баъзиларининг огзини очиб ўтун тўплаб кўйгонлар. Баъзиларига ўтин тикиб тайёрлаб кўйгонлар. Баъзилари тутун чикариб куюб турадир. Баъзиларининг ўти ўчган, огзига чаплаган лойлари саргайиб кесак бўлгонлар, очилишга хозир туродурлар.

Ўшга якинлашганда бир тўп катта терак келадур, ўшлиқлар ҳам уни «катта терак» дейдилар. 1916 йилда Ўшдан, Николай ҳукумати ва Оврүпо истилочиларининг улуг курбонларига «мардикор-лошмон» номи билан олиб берилатургон ўшлиқ йигитларни Ўш халки — катта-кичик — шу «катта терак»гача узотуб кўйгон эди. Йирокдан теракни кўриш билан эсимга бечора мардикорлар тушди, аллаким-аллакимларнинг нафсларини кондириш учун шу — йирок юртлардан аллакайларга бормок учун шу йўлга чикиб, шу теракнинг тагида ота-оналарининг иссик ёшларига куюлгонлар...

Теракнинг хозир бошка каромати чикибдур: кимдур, биров, бир «эътикодлик банда айтибдурким: «Хар ким шу теракнинг пўстини кайнотиб ичса, безгакдан кутуладур».

Теракнинг ўзи ҳам бир неча юз йилги кадим терак эмасми, дархол «азиз» лигига ишонишибдур: одам бўйидан юкоригача пўстини тамом шилиб олибдурлар... Буйи олмок учун духтурнинг когози (рецепт) керак эмас, бир бошидан ўтган бирга ўн кўшиб айтдими, ишонтирдими, бўлди. Канча узок йўллардан шу бир қарич пуст учун келатургон бечора

бордур!

Хива томонда «тоун» касали бор эмиш, унга ҳам шундай бир терак топилгонда согликни саклаш комиссарлигининг шаҳардан ташкарига чикмайтургон пуллари Аму бўйларига ҳам мажбурият билан бориб колмас эди!..

Бас энди, Ўшга етиб колдик!

«Бутун Фаргонада, хавосининг тозалиги ва иклимининг хушлиги жихатидан, Ўш билан тенглаштургон жой йўк». (Бобир)

Фаргона музофотидаги шаҳарлар орасида энг гўзал жойга ўринлашкон ва э соглом иклимга эга бўлгони — Ўшдур. Бу атрофх умуман жуда яхши сугориладур в унинг муаттар бинафшалик кўклами чинакам жозиб!

(«Кашкар амири Ёкуб». Номи французча асардан)

Бир ўзбек-турк ва бир французнинг бир маънини онглатгон юкориги икки сўзига ўзумдан бир нарса кўшуб ўтурмайман. Ўш — чинакам макталишга арзийтургон жой муни кейинги сайёхатимда бирга бўлгон рафикларим ҳам жуда самимий бир тил билан сўзладилар.

Лекин...

Лекин, хозирги Ўш Бобир айтган ва француз муаллифи ёзгон иклим ва хавога эга бўлса ҳам, ўзининг бу кунги бузгун ва х ар оба холи билан 10 йил бурунги Ўш ҳам эмас-дир. Юкорида кўйгон сарлавхам, Ўш шахрининг энг чинакам тилмочи!

Андижон йўлидан шаҳарга кириб кетатургон, у... 5— 6 махаллани ўткунча бўшаб колгон ховли-жойларни ва уларнинг йикилиб, агдорилиб ёткон уй ва деворларини кўрасиз. Бозорга якинлашганингиздагина жон асари, тириклик асари, уй-жой, тузуклик асари кўрасиз.

Бозор кунни бир баланд жойдан туруб томоша килдим: оддий бир кишлок бозоридан бошка нарса кўринмайдур. Шаҳар ва шаҳарликдан нишон йўк. Хароб бўлгон, бўлаётгон ва хароб бўлгуси катта мадрасалар ва уларнинг бир хил вахший чехра кўрсатгучи, кўпол пештоклари — ўтгандаги шаҳарлардан бир нишон ва аломат саклаб туродурлар. От, туя... туя, от... мана Ўш бозорининг энг кўп мехмонлари!

«Эшагига ярашар тушови!» дегандек Ўш шахрига яраша шаҳар гамхўри, яъни баладия шўъбаси! Шаҳарнинг биргина жойида, биргина нарса кўринмайдур, ким баладия шўъбаси ўшани килгон бўлса... Бозор ўртасидан окиб ёткон чиройли сойнинг устида бир катта кўпрук солишибдур, сўраттирсам: унда ҳам баладия шўъбасининг кўп дахли йўк экан.

Бу-эски шаҳар.

Янги шаҳар ҳам мундин дуруст эмас. У — балки, мундан ҳам бадтар.

Инкилобнинг бузуш даврида бузилгон шаҳарлар, мана бу — 2—3 йилги тузаш даврида танимаслик холига кёлаёздилар, баъзилари келдилар ҳам. Лекин Ўш шахри тез орада муни даъво эта олмайдур. Мунга катта бир сабаб: Ўшнинг темир йўлдан йироклиги. Замонимиз электрик замони. Шундай замонда темир йўлдан ҳам курук колгон бир шаҳар, тезгина обод бўла олмас. Мундан 10 йиллар бурун темир йўл Андижондан нарига ўтмас эди. Улуг «Олти шаҳар» Кашкар билан бўлатургон муносабат Ўшни катта бир бекат (истанса) ясаб олгон эди. Бир томони Ёттисув музофотида етатургон орка тараф, шаҳар билан бўлатургон муомаласини Ўш оралик килур эди. Туркистоннинг пахта ишлари учун Кашкар дан чикиб келатурган арзон кўл мардикорлари... 50000 ва 100.000 лаб Ўш

оркалик ўтарлар эди. Сўнгра: Ўш — ҳам чегарага якин; ҳам зиёратгоҳ бўлгонлигидан, кўп кучларнинг ўзига тортилишига сабаб бўлур эди. Мана, Ўшни бурунлари обод килиб келган омилларнинг бир нечаси!

(Бу кун шу омиллардан ҳеч бири йўқ. Шундан Ўшнинг шаҳарлик ва ободлик важхидан ахволи бир мунча вақт шу ҳолда қолса керак.

Тог якин: шундай бикинда. Бир неча кадам: тоғ

Биз ҳам рафиқлар билан биргалашиб чиқдик. Тогнинг ён багирларида одамнинг белига етиб ўсатургон ўтлар, кўкат, майсалар, кизгалдок ва бошка гуллар хали пастак-пастак бўйлари билан ёш боладек энди тиккаланиб, оёкка босиб келадур...

Тогнинг қора, жонсиз ва кўпол тошларининг ҳам бир «хосияти», бир «қаромати» бор бу мамлакатда. Кўл тикилса — кўл огримайтургон, бош тикилса; — бош огримайтургон, бел тегса — бел огримайтургон «муборак» чуқурчиқлари бор у тошларнинг! Хар бир «шифоҳона» олдида бир шайх, бир очкўз, таъмакор алдамчи, ёлгон ва ёлгон сотиб ўтурадур... Тогда, қора тошлар орасида бир қариқдан ортиқроқ ўсган бир кўкат, бир ўт йўқдурким, бошларига бир парча латта-путта илинган бўлмасун! У латталар ҳаммаси ҳам — ирим, тегиб бўлмайдур. Фақат, «жинлар», «ажиналар», «арвоҳлар»гина кўзга кўринмасдан келиб-кетиб кетадурлар. Бечора узбек хотуни!

Сенга 12 ёшингда қафан қийғизган жаноблар, тугулгон кунингдаёқ сени иримларнинг бемаъни кучоқларига иргитадурлар! Билмайсен.

Билмайсен.

Билмаганинг учун сен хали кўб йиллар шу иримлар учун энг тоза умидларингни сўлдиргайсен! .

Сенинг билмогинг, ўрганмогинг учун кенг йўл очилгон шу замонда, сенга очилгуси мактабларнинг таъминоти учун маҳаллий маблағ (местное средство)нинг кўпайишини тилайлик!..

Ўшда шаҳар ва уез ижрокўми бор, унинг биноси ҳам Ўшнинг ўзига яраша тарков, очик-сочик, махкамага келишмайтургон бир болахона. Бошка идоранинг жойлари ҳам шундай.

Балки, мундан ҳам бўлмагуррок. Лекин биргина мактаб бор. Биноси жуда яхши, бурун рус ерлик мактаби бўлгон. У ҳам — биз боргонда ремонт қилинмагон эди. Ремонт учун баладияда пул йўқ эди, муаллимларнинг таъминоти учун маориф шўъбасига бермак учун маориф комиссарлигида пул йўқ. Шундай килиб, шу биргина мактабнинг тақдири ҳам қалтираб туродур. Халқ таъминотиға ўтказганлар, халқдан пул йиғиш қийин...

Биз шаҳар богчасида, энг гўзал бир жойда ўлтуруб эдик, «газетачилар келибдур», деб хабар эшитган бир киши ёнимизга келди. Ярим соат жон қуйдўриб, қап-қатта одам йиғлағундай бўлиб бир жойга 2 мартаба солиқ чиққанлигини, шикоятларидан фойда бўлмогонлигини онглатди. Шўро матбуоти — ўз асосини хийла махкамлаб олгон экан, буни биз ўша ерда очик билдик.

Ўшда сув билан юратургон бир электрик истансаси бор. Қуввати куб. Нархи ҳам арзон, олгучилар оз. Хозир сим тортилмогон кўчаларга сим тортишга, нархни яна ҳам арзонлаштиришга ҳаракат бор.

Ўшнинг атрофида яшагучи, қирғиз халқи — мактабга ва билимга жиддий интиладур. Гулшада юрт йўли билан яхши бир мактаб биноси тушди; очилиш маросимида туи ясалиб, мактабнинг 6 ойлик таъминоти йиғилди. Ўзганда ҳам мактаб биноси солинди. Гулшада муаллимлар курси очилди. Шулар ҳаммаси халқнинг ташаббуси.

Лекин Ўш шаҳри биргина мактабни ҳам ишлатолмайдур.

Ўшнинг босмачилардан кутулгониغا 2 йилча бўлди. Шунинг учун атрофида экилган ерлар кўп, дехкончилик яхши. Сув сероб.

Хар ерда бўлгонидек, мунда ҳам от-улов, камлиги бор. Бу ҳам вақти билан тўлдирилур, албатта. Биз Жалолободга келгандан сўнг билдикки, шу чоккача Ўшда давом қилиб келган биргина кину-театр ҳам яқинда Жалолободга кўчубдур...

Нихоят бир кун тонг чогида Жалолободга бормок учун Корасув истансасига қараб йўлга чиқдик. Гўзал тоғи, гўзал кўриниши билан гўзал Ўш шаҳри, бузгун чехрасини қайгуға тўлдириб орқамиздан қараб қолди...

Ўшдан жўнадик.

Ўш билан Корасув ўртасидаги йўл, нима учундир, Ўш — Андижон йўлидан ҳам бўш, катновсиз кўрунди. Бўлмаса — Ўш шаҳрини темир йўлга туташтиргон ҳам текис, ҳам яқин бўлгон бу йўл катнов, обод, қарвонлар узилмайтургон бўлса лозим эди. Бу ҳол Ўшнинг ҳар бир жихатдан илгариги мавқеини йўқота бошлагонини кўрсатадур. Хозир унинг ўрнини Жалолобод билан Ўзгант қишлоқлари олиб борадилар. Ўзгантга кетатургон йўлнинг устида бўлуб, ёқинига темир йўл истансаси солингони учун қичкинагина Хонобод қишлоғи ҳам обод бўлиб борадур. Жалолобод бўлса — аллақачондан бери Ўшнинг энг муҳим савдо ва саноат жихатларини ўзига тортиб олиб, қундан-қун қенгайтириб келадур. Ўзгант қишлоғи ҳам бутун муносабатини Хонобод орқалик темир йўлга боғлаб олди, Ўш билан ҳеч бир иши йўқ.

Мозорлар, шайхлар, «улуғлар» маскани бўлгон чиройлик Ўш шаҳри, устига қундош қелиб қолгон ёш жуводек, бир чеккада маҳзун-маҳзун қолуб қетди...

Ўш билан Корасувнинг ярим белидаги Қашқар қишлоққа яқинлашамиз. Ўнг ёнимизда қенг ва зўр бир ер. Бу — Туркистонни ўруслар олмасдан илгари қайси бир жон, ё бекнинг боғи бўлгон жой. Қари-қари ўруқлари ўша шонсиз-шарафсиз қунларни эсга тушуриб туродурлар...

Инқилобдан бурун у ер «подшолик ерлари идораси» (Управление Государств, земл.) деган маҳкаманинг қўлида бўлуб, яхши насади отлар етиштириш учун унда «от зовути» очилгон эди. У зовуддан Ўш ва атрофи, умуман шу атроф учун бирмунча яхши наслик отлар етишган эди. Бурунлари, зовутнинг ёнидаги қенг экин ерлари ҳам бир қарич қолдирилмасдан экилиб турар эди. Биз ўтиб кетган вақтимизда экинлик ерларни қарич-қарич ёввойи ўтлар босиб ётқонини кўрдик...

«От зовути» ҳам бузулиб кетган. 1919 йилда Фарғона босмачиларининг сардори бўлган Мухаммадаминбек, муҳожир ўруслар билан биргалашиб Ўш шаҳрига ҳужум қилгон ва олгон вақтида, Сафўнов ўртоқ қўл остидаги қизил аскарлар шу «от зовути»да босмачилар билан жуда қўб отишқон эканлар. Муни бизнинг аравақашимиё бўлгон ўшлик ёш йигит содда ва ширин бир тил билан сўзлаб берди. Ўша отиш вақтларида милтик отмок учун тешилган девор тешиқлари оқ бодрокдек, бодраб кетганлар. Хозир у тешиқларни лой билан чаплаб, зовутнинг яхши уйлариға ўшал жойлардаги баъзи бир дехқонлар қириб олгонлар эмиш.

Корасувга қелдик.

Истансанинг ичкари ва ташқарисига одамлар қўб тўплангонлар: Андижондан кела-тургон поезни қутадулар. Биз ҳам билет қассасига яқинлашиб, навбат билан қута бошладик. Поез нариги истансадан чиқди. «Энди қасса очиладур», деб навбатдагилар сикилиша бошладилар. Бирдан бир ўрус бақирди: «Поезд тўла, шунинг учун одам ҳам

олинмайдур, билет хам сотилмайдур».

Хамма хайрон бўлди.

Биз хаммадан ортуқ хайрон бўлдик. «Муштум» билан кенгашдик, у: — Рассомим «Тулла» бўлса, халиги билет сотилмайдур деган темир йўлчининг баъзи бир киликларини чизиб олар эди! — деб ўз хасратини килди.

«Муштум» бир нарсани сезмасдан гапирмайдур. Билет сотилмайдур деб эълон килгон темир йўлчи ташкарига чикиб баъзи бир «ишончлик» савдогарларга: «Бир нарса беринг, билет топамиз!» демакчи бўлуб, кўли билан «окча»га ишорат килгон. Темир йўлчининг бу хийласи «Муштум»нинг ўткир кўзидан кочиб кутулмайди, эхтимолким, «Муштум»нинг келгуси сонларида шундай «фазл ва хунарлар»га дойр баъзи бир «ажойибот»ларни томоша килсак!

Ўзимизнинг бемалол арава билан бўлса хам Жалолободга кетмакчи бўлдик. Факат аравакашлар дарёнинг сувидан кўркдилар. Шунда кечки поезд билан Андижонга кайтмокчи бўлдик. «Жалолобод поезини узотиб кўяйлик» деган бахона билан истансага чикдик.

Билетларни олуб, бир кизил вагунга чикиб ўрунлашдик.

Вагунларда тикинлик деган гап йўк. Буш жой жуда кўб. Хатто, кўб «эрка» кишилар бахузур чўзилиб, ухлаб бородурлар. Агар 1—2 юз кишига билет сотилса хам вагунлар сигдиргундай...

Кўнгироклар чолинди.

Вагунларга биздан бошка хам 5—10 та мусулмонлар хуржун кўтариб кирганлар эди, бемалол жойландилар. Бошка вагунларга хам чикканлар кўп бўлди. 3-кўнгирок бўлди. Поез кўзголди...

Эшикдан тафтишчи (контрулур) келиб кирди. Билетсизларга солинатургон жаримадан ва уни ундиришдаги узил-кесилликдан хабаримиз бўлгони учун юрагимиз бир дукиллаб олди.

Поез ичида галати-галати, «ажойибот», кизик «сир»лар, туб жой халкка килинаётгон муомалаларни тоза томоша килдик.

Султонободнинг бузулиб кетган истансасида тўхтамасдан, катта дарёдан отлаб ўтуб, Хонободда жиндак тўхтагондан сўнг Жалолободга кириб кетдик.

«Водийлар ичинда канча водий,

Кон килди жигарни водий, бодий!»

Фаргона водийси тўгрисида айтилган шу икки йўл байт, Фаргонадан йирок тушуб колгон бир фаргоналикнинг ўз водийсини согиниб айтган байтларидан икки йўли.

Мен хам шу икки йўл байтни кайтара-кайтара Жалолобод — Кўгарт водийсига келиб кирдим.

Аввалги сафаримда хам, кейингисида хам Жалолободда кўп тўхташга тўгри келмади.

Бир кун — икки кун! Зотан Жалолободнинг хафталарча юруб кўратургон жойлари хам йўк. Мусулмонлар қошида Хазрати Айюб пайгамбарга нисбат берилган учун муқаддас саналгон, замон фикрчилари учун эса, ернинг кўгартлик табакаларидан ўтуб чиккон сувдан бошка нарса бўлмагон кайнок булоклар бордурким, Жалолободнинг кўрилатургон нарсаси шулгинадур.

Жалолобод кишлоги ёки шаҳарчасининг кун чикиш бикинидаги баланд адирлар — бир чеккасидан Чикиб ёткон у булоклар бурунги чор ҳукуматининг диккати яхшигина жалб килгон эди. Чор ҳукумати, ул-жойни — яхши, мукамал бир курурт килиб, шимол ва

гарбнинг бир кўзлик кўзойнак таккан жинтилмон (олифта) бой болалари учун — ҳам шифо манбаи, ҳам исроф ва фахш уяси килмокчи эди. Шунинг бошлангичи ўларок ало-хида-алохида 10 хоналик булок хаммомлари вужудга келтирган, уларнинг теварагида зиёратчилар учун шаҳар мусофирхоналари шаклида айрим хоналар бино килдиргон эди.

Булокнинг юкори томонига, адирнинг энг устига богчалар ёсатмок, яна яхши бинолар солмок режалари чизилиб, ер ости сув йўллар учун темир кувурлар санчилгон эди. Чор хукуматининг совук ва кўм-кўк кўзлари, юкориси жабр, куйиси зулмдан иборат бўлгон кирпикларини бир-бирига ёпишдириб, шундай хаёлга боткон вақтида Осиёнинг шу ёввойи адирлари ўрнида, «муаззам ва бўлинмас Русия»нинг рус завкини сепайтургон гўзал «бадан-бадан» ини кўрар эди.

Жахон уруши бошлангандан кейин тор миллатчи ўрус мухаррирлари Гирмония куруртлари оркали Гирмония хазинасига тушган пуллари учун кайгирмокка бошладилар. «Ватанпарвар» ўрус газеталарининг биттасида бир кайнок миллатчи ёзадурким, «Бизнинг энг кўп пулимиз Гирмониянинг «бадан-бадан» каби куруртларига тўкуладурлар: унда сарф килингон пулларимиз Гирмония давлатининг хазинасига тушадур, давлат эса у пулларни «Круп» фабрикасига бериб, ўрус кўшинини кирмок учун 42 сантиметрлик тўплар хозирлайдур.

Сарф килинатургон пулларимиз кўб бўлса, киборларимиз яхши хаволик жойларни истасалар, Крим ва Кафказия куруртларига борсунларким, ўз чўнтагимиздан чиккан пул яна ўз чўнтагимизга тушсин. Шунинг билан баробар хукуматимиз ҳам Кафказия ва Крим куруртларини Гирмония куруртларидек яхшилаш йўлларини карасун. Сўнгра, бошка ўлкаларимизда ҳам яхши, шифолик жойлар бор. Масалан: Туркистонда мундай жойлар биргина эмас, бир нечта бор. Шуларни Гирмония куруртларидек мукамал килсак, ватанимиз учун канча катта хизмат килмок мумкин».

Ўрус миллатчисининг шу маколасини 1914—15 йилларда ўкугон бўлсам ҳам, у вақтда унинг чин маъносига унча тушунмаган эдим. Орадан 10 йил кадар вақт ўтди, Русияда улуг ўзгаришлар бўлди, «ватанпарварлик», «миллатчилик» каби сўзларга янги маънолар берилди. Энди юкоридаги маколанинг ҳам бизга, бутун очик ва ёпик жихатлари билан бирга яхши онгланадур.

Айникса, ўшал «Киз булок»нинг ёнида турган Кўгарт водийсига назар солсак, унда катор чизилиб кетган ўрус кишлокларини кўрсак, маколанинг мазмуни яна ҳам очик фахмланадур. Чор хукуматининг мухожират идораси, хакикатан муктадор кишиларнинг кўлига топширилгон экан. Бу атрофда, фикримча, шу Жалолобод — Кўгарт водийсидан унумлик тупрок бўлмаса керак. Шу жойга энг катта мухожирлар кишлоклари саналгон, энг кора мухожирлар ўрнатилгон. Мухожирлар кишлокларининг ўртасида яркираб кўринган хайбатлик бутхона куббалари чор хукуматининг ният ва идорасини жуда очик кўрсатадур.

Октябрь ўзгаришидан кейин босмачи курашининг энг кизгин даврларида Кўгарт мухожирларини босмачилар сафида кўрамиз. «Озук инхисори» (монополияси)га карши шиддатлик исён кўтарганлар шу мухожирлар бўлдилар. 1919 йилда Андижонни авраб олгон босмачиларнинг энг калин катори мухожир аскарлари эди. 1920—21 йилларда ўтказилган ер ислохоти чор хукуматининг кора максадларига содик колиб келган мухожирларга яхши сабок бўлди. Теваракларида туя миниб юрган киргиз, арава хайдаб юрган ўзбекларни, «булар ҳам одам» дейишга мажбур килди. Канча кийин бўлса ҳам,

бурун кучлаб олгон жойларини асл, ўз эгаларига кайтариб беришга мажбур бўлдилар. Водийчанинг мухожирлар масаласини, шўролар ҳукумати мана шу йўл билан яхшилаб хал килди. Энди курурт масаласи бор. Уни ҳам хал килмок керак. Бугунги Хазрати Айюб, том маъноси билан бир курурт эмасдур. Лекин шундай килиниши керак. Туркистон шўролар жумхуриятининг марказ ҳукумати, жумхуриятнинг бу ҳол кимматбаҳо жойларини ҳеч бўлмагонда Крим ва Кафказия куруртлари билан тенглаштиришга тегиш.

Ўрта Осиёнинг камбагал дехконлари, меҳнаткаш ишчилари ўз жумхуриятларининг шифолик жойларида ҳамма ўнгайлик ва кулайликка эришганлари ҳолда, дам олишга, истироҳат килишга тегишдурлар. Хозирга қадар бу тўғрида жуда оз ишланганга ўхшайдур. Куруртнинг хатто махсус духтури ҳам йўқ. Сўнгра: Жалолободда бу йил мушаққил бир курурт ҳам бўлмади шекилли.

Жалолобод, бурунги эсдаликларда ёзгоним каби, кундан-кун тараккий килиб борадур. Мунда албатта, темир йўлнинг катта таъсири бор. Бу йўлни яна ичкариларга олиб кетмок ҳам мумкин. Жалолободнинг ўзида бир касалхона бор, атрофида (мухожир кишлоклари учун) ҳам бир касалхона солингон экан, хозир борми, йўқми билмадим. Маориф ишлари жуда суст. Сустликда, марказ маориф комиссарлиги билан ҳам тенглаштириб бўлмайди... Шаҳарда туб жой халқ учун биргина интернат бор. У интернат-ҳукумат таъминотида. Илгари фахш жойи бўлгон бир номерни бузуб, халқ ёрдами билан яхши 4 синфлик бир мактаб биноти солгонлар, биз боргон вақтда биноти битишга яқинлашкон эди. Лекин, муаллимларнинг таъминотида на давлат хазинасидан, на маҳаллий маблағлардан ҳеч нарса берилмайдур. Халқ ҳисобига таъмин килиш ҳам жуда кийин экан. Жалолободнинг маорифпарварлари шу тўғрида бизга кўп шикоят килдилар. Биз нима киламиз? Газетага ёзиб, тегишлик идораларнинг кулогига куюб кетмакдан бошқа кўлимиздан келмайдур.

Сўнг вақтда Жалолобод ижрокўмининг яхши ташаббуслари бор: шаҳарнинг катта катнов кўчаларига тош тердирилмакчи. Тошни дарёдан ташиб бориш учун йўл идораси билан онглашилгон. Бир қисм сарфини Андижон ижрокўми бермакчи бўлгон, бир қисмини ўзи топадур. Сўнгра шаҳарчани электрик билан ёруглаш иши ҳам юзага чикиб келадур. Бу хусусда мавжуд бир ўт тегирмоннинг қувватидан фойдаланиш йўлини топконлар. Баъзи бир асбоблар хозирлангон, тездан шаҳарча электрик билан ёруғлана бошласа керак. Мана бу ишлар, агар ташаббус килинса, ҳар, қайда ҳам кўп нарсалар ишламок мумкинлигини кўрсатадур. Давлат сармоясидан оз берилса ҳам маҳаллий маблағ йўлга кўйилгон бўлмаса ҳам, ташаббус орқасида кўб нарса ишламак мумкин. Мунинг мисоллари биргина Жалолободда эмас, бошқа жойларда ҳам бор. Лекин, Жалолободдагиси ташаббуснинг бекор кетмаслигига энг очик мисол. Кошки, маориф ишларида ҳам шу хил жиддий ташаббуслар бўлса-ю, ижодий ишлар ишланса ва янги қилинаётган электрик истансалари учун кишлок дехконларининг болаларидан ёш усталар, техниклар етишсалар.

Кайтмок учун вагунга ўлтурдик. 5—6 соатдан сўнг Андижонда бўламиз. Шунинг билан саёҳатимиз тамом бўладур. Шу катта саёҳатнинг натижасида кўб нарсаларни кўрдик. 5—6 йиллик бузгунлик тарихини жой-жойида варақлаб, ўкиб кўрдик. Бузгунлик — хақиқатан жуда кўплик. Бузгунликни йўқ килиб, йиқилгонни тиклаш учун жуда зўр кучлар, туганмас гайратларга эҳтиёж бор. Юрт — бузулгон. Лекин унинг мунбит тупроғи кўчиб кетгани йўқ, жойида. У тупрок орқали яна юртни яшнатмак, сиз ва бизнинг

кўлимизда, ҳурматлик ўқигучилар!

Чўлпон